

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 126 (11.187)

Баҳоси эркин нархда

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ТАЪКИДЛАНГАНДЕК, ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН КОРХОНАЛАРНИ БАРПО ЭТИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШДА ХОРИЖ САРМОЯСИНИ КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ХОРИЖИЙ САРМОЯ ҲАЖМИ ЭЗЛИК САККИЗ ФОИЗГА ОРТИБ, БИР МИЛЛИАРД АҚШ ДОЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. УНИНГ ЕТМИШ ОЛТИ ФОИЗИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ КИРИТИЛГАН ХОРИЖИЙ САРМОЯДИР.

Юртимизда хорижлик шериклар билан ҳамкорликда барпо этилган корхоналар йил сайин кўпайиб бормоқда. Уларнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун қулай сармоёвий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилган. Жадвал давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни чет эл бизнес доираларининг мамлакатимизга сармоё киритишига қизиқишини тобора оширмоқда. Пойтахтимиздаги "Belting rezina" масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунинг мисолидир.

Италиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 2004 йили ташкил этилган "Belting rezina" илгор технологиялар асосида турли ўлчамдаги конвейер ленталари, ясси узатма қайишлар, тангенциал ҳамда учрүк тасмалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада тайёрланаётган турли хил ва ҳажмдаги маҳсулотлар юқори сифати, пишиқлиги, чидамлилиги, санитария-гигиена ва экология талабларига тўла мослиги ва рақобатбардошлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Маҳсулотлар буюртма асосида харидор талабига ва хо-

ҳишига кўра исталган ҳажмда тайёрланади. Айни вақтда Европа давлатлари фойдаланиб келаётган бундай юқори сифатли маҳсулотларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётганининг аҳамияти фоят каттадир. Корхона маҳсулотни етказиб бериш, сервис хизмати кўрсатиш, маслаҳатлар бериш каби хизматларни ҳам бажаради.

Корхонада бутун ишлаб чиқариш жараёни ун икки киши амалга ошади. Ишчилар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Улар Италияда ўз касб маҳорати ва малакасини оширган.

"Belting rezina" юртимиздаги енгил саноат, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, логистика, машинасозлик, авиасозлик, ёғочни қайта ишлаш, матбаачилик, фармацевтика каби қатор соҳаларда фаолият юритувчи кўплаб корхоналар, фирма ва компаниялар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйган. Шу боис ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошмоқда. 2007 йилда 486 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2008 йилнинг январь-март ойларининг ўзига эса мазкур кўрсаткич 280 миллион сўмни ташкил этди.

— Давлатимиз раҳбари Ислам

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ



МАҲСУЛОТИ СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР КОРХОНА

Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда хориж ишбилармонларининг фаол иш юритиши учун барча шарт-шароит ва қулай сармоёвий муҳит яратилган, айниқса, солиқ ва боғхона имтиёзлари берилгани муваффақиятларимиз омили бўлмоқда, — дейди "Belting rezina" масъулияти чекланган жамияти бош директори Сайфулла Қосимов. — Мақсадимиз сифати халқаро талабларга мос маҳсулотларимиз билан мунтазам иштирок этиб, кўплаб фирма ва компаниялардан дан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулотлар турини янада кўпайтиришдан иборат.

Корхона аҳлининг яқин келажагдаги реҳаси мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулотлар турини янада кўпайтиришдан иборат.

Нодира МАНЗУРОВА,
УЗА муҳбири
СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа.

2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

ЎТАЁТГАН ҲАР БИР КҮН БИЗНИ ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ — ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИК АЙЁМИГА ТОБОРА ЯҚИНЛАШТИРМОҚДА. БУ САНАНИНГ ВАТАНИМИЗ, ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ, АҲАМИЯТИ БЕКИЁСДИР. ЗОТАН, БИЗ МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАДИК, КИМЛАРИНИНГ АВЛОДИ ЭКАНЛИГИМИЗНИ ЧЎҚУРРОҚ ТУШУНИБ ЕТДИК. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ 2008 ЙИЛ 12 ИЮНДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДА ТАЪКИДЛАНГАНДЕК, МУСТАҚИЛЛИК БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУҲРАТИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИ СИФАТИДА ҲАР БИРИМИЗНИНГ ДИЛИМИЗДАН МУСТАҲҚАМ ЖОЙ ОЛДИ.



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ВА ШОН-ШАРАФИМИЗ ТИМСОЛИ

Шу ўринда айнан истиқлол туфайли мамлакатимиз тимсоли бўлган давлат рамзларининг қабул қилинганини таъкидлаш лозим. Зеро, эл-юртимизнинг гурури, ифтихори бўлган бу рамзларда тарихимиз, бой маънавий-маданий меросимиз, миллий урф-одат ҳамда анъаналаримиз, буюк мақсад, эзгу орзу-интилишларимиз тажассум толган.

1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Давлатимиз гербида халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз аксини толган. Унда тароватли водий узра нур сочаётган қуёш тасвирланган. Бу серкўёш юртимизга, ундаги обод манзилларга ишора. Баланд тоғлар оралаб оқаётган дарёлар — мангулик тимсоли бўлса, гербнинг сўл томонидаги бугдой бошоқлари халқимизнинг риқ-рўзи бутунлигидан, ўнг томонидаги қийғос очилган гўза ифодаланган чамбар юртимиз одамларининг оппоқ орзулари, эзгу ниётларидан далолатдир. Гербнинг юқори қисмида элу юртимиз жиспигининг рамизи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Унинг ичида жойлашган ярим ой ва юлдуз халқимизнинг дину диёнатига хос муборак тимсоллардир.

Гербимиз марказида қанотларини ёзиб, парвозга шайланиб турган Ҳумо қуши тасвири бор. Манбаларда қайд этилишича, халқимиз Ҳумони азалдан давлат қуши сифатида тасаввур қилиб келган. Заминимизда неча минг йиллар илгари пайдо бўлган афсоналарда Ҳумо қуши бахт, омад, хиймат, олижаноблик тимсоли сифатида тасвирланган. Гербнинг пастки қисмидаги давлатимиз байроғини ифодаловчи чамбар тасмага «Ўзбекистон» сўзи битилган.

(Давоми 2-бетда).

1 июль кунини депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасини давом эттирдилар.



Олий Мажлис Қонунчилик Палатасида

Мажлисини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

«Кўтарувчи иш ва кўтарувчи мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳасини модда-модда муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари кўтарувчи хизматлари ва кўтарувчи тузилмаларини аттестациядан ўтказишга, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга, фавқулодда вазиятларни туғатиш ишларига раҳбарлик қилишга дахлдор ҳуқуқий қоидаларни такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар киритдилар. Депутатлар кўтарувчилар мақоми ва улар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш масалаларига, шунингдек, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратдилар. Муҳокама чоғида кўтарувчиларнинг мажбуриятларини белгилаш, хусусан, уларнинг жисмоний, махсус, тиббий, руҳий тайёргарлигини ҳамда кўтарувчи хизматлари ва кўтарувчи тузилмалари таркибиде фавқулодда вазиятларни олдинчи олиш ва уларни туғатиш бўйича ҳаракат қилиш қўнималарини такомиллаштириш, кўтарувчи ишларини ўтказиш технологиясига оғишмай риоя этиш, жабрланганларни қидириш ва уларни кўтариш чораларини кўриш, уларга дастлабки тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш масалаларига тааллуқли таклифлар ҳам киритилди.

Хужжат нормаларини батафсил муҳокама қилиш пайтида киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва маъсۇл кўмитага уни учинчи ўқишда қўриб чиқиш учун маромига етқа-

зиш вазифасини топширди.

«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг аъзоси Ф.Сафаров тақдим этди. Ушбу ҳужжатни муҳокама қилиш пайтида лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги жорий йилнинг 24 апрелидаги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Қонун лойиҳасига биноан баҳолаш хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага қўйилган мажбурий талабларга, шунингдек, баҳолаш ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир моддаларни такомиллаштириш таклифи қилинмоқда. Баҳолаш ташкилотларида фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полиси бўлиши шартлиги тўғрисидаги талаб, шунингдек, баҳолаш ташкилотли сифатсиз баҳолаш натижасида буюртмачига етказилган зарар учун унинг олдида жавобгар бўлишига доир норма биринчи марта жорий этилмоқда.

Қонунчилик палатаси ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида киритилган айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

(УЗА)

Шаҳар сайлов комиссиясида

Депутатлар Рўйхатга Олинди

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, «ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 44-МОДДАСИГА БИНОАН ШУ ЙИЛНИНГ 29 ИЮНЬ КУНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШНИНГ 9-САЛАР, 16-ҲУМОЮН (МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ), 23-ТАНСИҚБОЕВ (СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ), 34-АВИАСОЗЛАР (ҲАМЗА ТУМАНИ) ВА 45-ФУРҚАТ (ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ) — БЕШТА САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ВАКОЛАТИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТУГАТИЛГАН ДЕПУТАТЛАР ЎРНИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИЛДИ.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сайлов ўтказувчи шаҳар комиссиясининг КЕЧА бўлиб ўтган йиғилишида ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирнинг яқунлари қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, шаҳар Кенгашининг бешта сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида сайлов қонунчилиги ҳамда шаҳар сайлов комиссиясининг мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар тақвим-реҳаси асосида ташкил этилди. Жойлардаги тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятини шаҳар сайлов комиссиясининг мазкур ҳужжати асосида амалга оширди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига кўра, маҳаллий Кенгашининг депутатлик корпусига ўз номзодларини сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ташаббускор гуруҳларга бирлашган фуқаролар кўрсатиши мумкин. Бўлиб ўтган сайловда бу ҳуқуқдан фойдаланган барча сиёсий партиялар тўлиқ фойдаланди. Ҳар бир округ бўйича бўшаб қолган ўринга ҳар бир сиёсий партиядан биттадан номзод рўйхатга олинди.

Участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчилар рўйхатига 101.825 киши киритилди. Овоз бериш жараёнида бешта округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонидан 77 фоизи иштирок этди.

Сайловчиларнинг энг кўп овозини тўплаган беш нафар номзод Тошкент шаҳар Кенгаши депутати этиб сайланди. Жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан — уч нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — икки нафар вакил эътиборда шаҳар Кенгаши депутатлари қаторидан ўрин эгалладилар.

— Мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилишида ошкоралик ва очиқликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди шаҳар сайлов комиссияси раиси ўринбосари Халима Алимова. — Шаҳар сайлов комиссиясида доимий навбатчилик ташкил этилди. Сайловчилар таклифларидан келиб чиққан ҳолда шаҳар ҳамда округ сайлов комиссияларининг жойлашган манзиллари ва телефон рақамлари маҳаллий матбуот орқали маълум қилинди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, сайловга тайёргарлик жараёнида мунтазам матбуотда хабар қилиб борилди. Сайлов кунини ҳар бир сайлов участкасида сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган вакиллар иштирок этиб, овоз бериш ҳамда яқуний натижаларни чиқариш жараёнида қузатиб бордилар. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида қонунчиликка зид равишда ҳатти-ҳаракатлар юзасидан шаҳар, округ ёки участка сайлов комиссиялари номига аризалар бўлмади.

Йиғилишда сайланган депутатларни рўйхатга олиш ва бу ҳақда матбуотда эълон қилиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
(Бўшаб қолган ўринларга сайланган Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг рўйхати 2-бетда берилмоқда)

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги ижроси масаласи муҳокама қилинди.

●Навобий шаҳридаги «Фарход» маданият саройида вилоят ҳокимлиги ва Адлия бошқармаси ҳамкорлигида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб ташкил этилган кўргазма очилди. Ушбу кўргазмадан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги адабиётлар, ўқув қўлланмалари ва плакатлар кенг жой олган.

●Жиззах политехника институтида бўлиб ўтган «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» битирувчи талабалар учун айна мудабо бўлди. Меҳнат ярмаркасида «ЎзЭксайд» қўшма корхонаси, «Жиззах пластмасса» очик турдаги акциядорлик жамияти, «Бону» ўқув маркази каби 63 та корхона, ташкилот ва муассаса бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Шу кунини 211 нафар фуқарога ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.

●Зарафшон шаҳридаги «Омад бизнес Зарафшон» масъулияти чекланган жамиятида гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Замонавий хориж технологиялари билан жиҳозланган ушбу корхонада бир кеча-кундузда 50 минг дона сифатли гишт ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Таъкидлаш жоизки корхона янги маҳсулотининг дастлабки туркуми Муствақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган 8ш оилалар учун мўлжалланган иккита қўш қаватли турар жой қурилишига етказиб берилди.

●Жиззах вилояти, Арнасой туманидаги «Фаргона» сувдан фойдаланувчилар бирлашмасида 450 ўқувчи ўрнига эга касб-хунар коллежи бунёд этилмоқда. Ўқув маскани қурилишига 1760 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, унинг 60 фоиздан ортиғи ўзлаштирилди. Бу ерда спорт зали, ўқувчиларнинг турар жойи, ошхона ва қўшимча ўқув корпуслари қад ростлади.

●Фаргона шаҳридаги Аҳмад ал-Фаргоний номли истироҳат боғида абитуриентлар сайили ўрта мактабларнинг 9-синф битирувчиларига атаб ўтказилди. Мамлакатимизда биринчи бор ташкил этилган бундай тадбирни уюштиришдан мақсад, абитуриентларни вилоятда фаолият кўрсатаётган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳақидаги зарур ахборотлар билан таъминлашдир.

●Фарозида «Таътил — 2008» спорт мусобақалари бошланди. Ўқувчиларнинг дам олишларини мароқли ўтказиш мақсадига ташкил этилган ушбу мусобақанин биринчи — маҳалла босқичида 153 минг нафардан зиёд ўқувчи иштирок этяпти. Янги ўқув йили бошлангунга қадар давом этадиган ва спортнинг 16 тури бўйича ўтказиладиган беллашувларда 183 минг нафар ўсмир қатнашди.

ЖАҲОНДА

●Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажот Эрон—Покистон—Ҳиндистон газ ўтказгичини тезроқ ишга тушириш лозимлигини қайд этди.

●АҚШ мудофаа вазири Роберт Гейтс агарда Польшага ракетага қарши мудофаа тизимини ўрнатиш бўйича ишлар муваффақиятсиз яқунланса, бу борада Литва муқобил майдон бўлиши алоҳида таъкидлади.

●Ўтган яқшабба кунини ўтказилган парламент сайловлари натижаларидан норози бўлган муҳолифатчи кучларнинг мамлакат пойтахтида тўс-тўполонлар уюштириши муносабати билан кеча Мўғулистоннинг бош шаҳри Улан-Баторда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Айтиш керакики, кечаги нотинчликлар пайтида 30 нафар полициячи жароҳатланган.

●Германиянинг «Siemens» концерни 2010 йилгача дунё бўйича ўз корхоналаридан 172000 нафар ходимини ишдан озод этишга қарор қилди. Таҳлилчилар, «General Electric» (Америка) билан бўлаётган кучли рақобатда «Siemens»нинг мавқеига путур етаётгани ҳақида фикрларини билдиришмоқда.

●Калифорнияда кучли ўрмон ёнғинлари давом этаётганлиги туфайли Тинч океанини қирғоғида жойлашган Биг Сюр шаҳарчаси ҳудудидан аҳолини мажбурий тарзда қўчириш саъй-ҳаракатлари амалга оширилмоқда.

●Тез орада Россиянинг машҳур «Мир-1» ва «Мир-2» батискафлари жаҳондаги энг чуқур кўл ҳисобланмиш Байкалнинг тубига илк бор тушиб ноёб ҳайвонот дунёсини ўрганиши бошлайди.

●Буюк Британияда сигарета қолдигини ерга ташлаганлик учун 80 фунт стерлинг миқдориде жарима жорий этилди.

●Москвада театр соҳаси ходимларига «Биллур Турандот» мукофотларини топшириш маросими ўтказилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси ҚАРОРИ

Бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 44, 45 ва 46-моддаларига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:


1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2008 йил 29 июнь куни 9-Салар, 16-Хумоюн, 23-Тансиқбоев, 34-Авиасозлар ва 45-Фурқат сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги баён-номаларига асосан қуйидагилар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

№	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш ва турар жойи	Сайлов округи рақами ва номи
1	Насимов Нурулла Сағдуллаевич	1950	ЎзЛиДеП, Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	45-Фурқат
2	Тошев Эркин Эргашевич	1961	ЎзЛиДеП, ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	16-Хумоюн
3	Хакимов Мирҳаёт Мирхамидович	1975	ЎзЛиДеП, "Ўзқабель" АЖ қўшма корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри	9-Салар
4	Шайимқулов Учқун Қудратович	1961	ЎзХДП, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	23-Тансиқбоев
5	Шарипов Махмуджан Караматович	1959	ЎзХДП, «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ бош директори ўринбосари, Тошкент шаҳри	34-Авиасозлар

2. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси **А. АБДУРАХМАНОВ**

Тошкент шаҳри, 2008 йил 1 июль



ПОЙТАХТИМИЗ ТАРИХИ — ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАРДА

Пойтахтимизда "Тошкент тарихи — ёзма ва археологик манбаларда" мавзуда бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти томонидан академик Яхё Фуломов номдаги "Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи" республика илмий семинари доирасида ташкил этилган тадбирда тарихчи, этнограф, археолог, манбашунос олимлар, ёш тадқиқотчилар, талабалар, коллеж, лицей, мактаб ўқитувчилари ва журналистлар иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимиз инсоният цивилизациясининг қадимий бешикларидан бири сифатида жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат-эътиборини торттиб келмоқда. Заминимизда шаклланган қадимий шаҳарларнинг бунда алоҳида ўрни бор. Тошкент ана шундай қадимий шаҳарларимиздан биридир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 2 апрелда қабул қилинган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан, мазкур шаҳар юбилейи келгуси йил халқаро ҳам-

жамият иштирокида кенг нишонланади. Айни кунларда юртимизда ушбу тадбирни кўтаринки руҳда ўтказишга кизгин ҳозирлик кўрилмакда.

Тошкентнинг қадимий тарихини тадқиқ этишга бағишланган илмий изланишлар жараёнида кундан-кун чирой очаётган пойтахтимизда муштақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларининг аҳамиятини, янги археологик топилмаларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди.

Анжуманда ана шу йўналишда амалга оширилаётган илмий изланишлар бераётган самаралар, шаҳарлар ва шаҳарсозлик маданияти тарихини тадқиқ этиш борасида галдаги вазифалар, амалга оширилиши лозим бўлган янги илмий йўналишлар юзасидан фикрлашилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти ва "Ўзбектуризм" миллий компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган пойтахтимизда туризмни янада ривожлантиришга оид лойиҳа тақдимоти ўтказилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ВА ШОН-ШАРАФИМИЗ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тамғамиздаги барча рамз ва тимсоёллар халқимизнинг тинчлик, эзгулик, бахт-саодат, тўкинлик, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ўзида намён этади. Гербимиз ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсон учун чексиз фахру ифтихор манбаи, ёшларимизни ватанпарварлик, аждодларимиз анъаналарига содиқ фарзандлар этиб тарбиялаш йўлидаги муҳим воситадир.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги қонунда белгиланганидек, Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Президентини Девони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Конституциявий суд, Олий ҳўжалик суди, вазирликлар, ҳокимликлар, қўмиталар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари бинолари, мамлакатимизнинг чет эллардаги дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг биноларида ўрнатилган.

Давлат герби тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, миллий валютамизда, қимматли қоғозлар ва облигацияларда, фуқаролик паспортларида, чегараларимизда ўрнатиладиган сарҳад устунларида ҳамда қонунда белгиланган бошқа жойларда акс эттирилади.

Мамлакатимиз давлат рамзлари, шу жумладан, Давлат герби қонун билан муҳофаза қилинади. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган ўзга шахслар давлатимиз гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Давлатимиз рамзлари — Байроқ, Герб, Мадҳия халқимизнинг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида муҳасам этган. Уларни эъзозлаш ўзининг, ўз мамлакатининг кадр-қимматини билган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ (АКТ) СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ СОҲАТЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МИЛЛИЙ СЕМИНАР ОЧИЛДИ. У БМТНИНГ ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КОММИССИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ҲАМДА БМТ РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ "АКТ СИЁСАТИ" ЛОЙИҲАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Тадбирда АКТ ва ҳуқуқ соҳасининг етакчи мутахассислари ва экспертлар, халқаро ва маҳаллий ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбирда АКТ ривожига қорхона ва хусусий шахслар учун тезкорлик билан ахборот алмашиш ва кўп томонлама келишувларда халқаро миқёсда электрон шакл ва усулда иштирок этиш имконини бериши таъкидланди. Бу, айти пайтда, шартнома тузишдаги электрон усуллар юридик кучидан то Интернет тармоғида интеллектуал мулкка доир ҳуқуқий ҳимоя қилишга бўлган бир қатор ҳуқуқий ва меъёрий муаммоларни ҳал этишни тақозо қилади. АКТ соҳасининг бошқарув идоралари бундай муаммоларга мунтазам дуч келмоқда. Уларни ҳал этиш йўлиларидан бири фуқароларни атайлаб этиказилаётган зарардан ҳимоя этиш мақсадида электрон тижоратни ривожлантиришга хизмат қиладиган қонун-қоидаларни бирхиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишидир.

Семинарда тезкорлик билан ривожланиб келаётган электрон тижорат ва унинг Ўзбекистондаги фаолияти билан боғлиқ соҳаларга доир ҳуқуқий масалалар муҳокама қилинмоқда. Бу — АКТнинг ҳуқуқий инфратузилмаси ва муҳофазаси, уларнинг юридик аниқлиги ва ишончилигидир. Бу жиҳатлар доирасида товар белгисини қўллаш, муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялашга доир масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистонда АКТни янада ривожлантиришга кўмак берувчи янги лойиҳалар ва илғор халқаро тажрибага алоҳида эътибор қаратилади. БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция бўлими директори А.Васильев, БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари К.Постилл, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги дастурий махсулотларни ишлаб чиқариш ва бозорини ривожлантириш бўлими бошлиғи Ф.Аъзамов ўз чиқишларида шу ҳақда гапирдилар.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Сўлим оромгоҳларда

БИЛИМДОНЛАР БАҲС ЮРИТДИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ, «КАМОЛОТ» ЁИҲ ТУМАН КЕНГАШИ ҲАМДА ТУМАН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ БЎЛИМИ ТАШАБУСИ БИЛАН «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДАГИ «АВТОМОБИЛЧИ» ЁЗГИ БОЛАЛАР ДАМ ОЛИШ ОРОМГОҲИДА РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН 2 ИЮНЬ—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ТАСДИҚЛАНГАН КУНГА БАҒИШЛАНГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



Маълумки, оромгоҳда 300 дан ортиқ ўқувчи 8 та отрядга бўлинган ҳолда мазмунли хордиқ чиқармоқда. Тадбир давомида отрядларда «Ёшлар ва сиёсат» мавзусида семинар-тренинг, «Қувноқ стартлар» мусобақаси ўтказилди. Болаларнинг давлатимиз бош рамазларидан бири бўлган гербимиз ҳақидаги маълумотларни билиши юзасидан танлов ўтказилди.

Мусобақалар ва танловлар ғолиблари Республика Маънавият тарғибот маркази, туман маънавият ва маърифат Кенгаши томонидан мақтов ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



Тадбир сўнгига Ҳ.Олимжон номли маданият уйи бадийий жамоаси томонидан ранг-баранг концерт дастури намойиш этилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: оромгоҳда бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирдан лавҳалар

Анжуманлар

ЖАННАТМАКОН ЮРТ КЕЛАЖАГИ

КУНИ КЕЧА СОБИР РАҲИМОВ ТУМАН ҲОКИМЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, ДИНИЙ АҚИДАПАРАСТЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЯНАДА ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР САРҲИСОБИГА БАҒИШЛАБ «ЖАННАТМАКОН ЮРТ КЕЛАЖАГИ» МАВЗУСИДА АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИРНИ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ, ИИБ, МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАРИ ЙИҒИНИ РАИСЛАРИ, ДИНИЙ МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАХАТЧИЛАР ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТДИЛАР.

—Биз истикомат қилаётган бугунги дорилмомон, кундан олис ўтмишга, мазийга назар ташласак, ўтган аждодларимизнинг нечоғлик маънавият ва маданият соҳиблари бўлганлигининг гувоҳи бўламиз,—дейди тадбирни кириш сўзи билан очган Собир Раҳимов тумани ҳокими Бахтиёр Ҳакимов. —Биргина тарихнинг биз билган ва билмаган қаърида мангу порлаб турган, дунё цивилизациясида улкан илмий-тарихий аҳамиятга молик бўлган «Авесто» китобини олиб кўрайлик. Бундан 3000 йиллар илгари битилган бу нодир асарда инсониятни ҳали-ҳамон таажжубга солиб келаётган, кишини эзгу, хайрли ишларни бажаришга ундайдиган энг қисқа ва теран ҳикматлар билан танишамиз. «Эзгу ўй», «Эзгу сўз», «Эзгу амал». Мана шу тарихий ҳақиқатнинг ўзи ҳам бу диёрнинг кўна ва қадимийлигини, унда умргузаронлик қилган аждодларимиз, ота-боболаримизнинг нечоғлик улкан салоҳият соҳиблари, илму-урфон эгалари бўлганлигини аңлатади. Дарҳақиқат, биз истикомат қилаётган юртнинг ўтми-

ши ҳақида ҳам, бугуни хусусида ҳам ҳамиша энг юксак фикрларни айтиш мумкин. Биз ана шундай жаннатмакон юртнинг фарзандларимиз. Муҳтарам Президентимиз гахам-ўрликлари остида айниқса ёш авлод таълим-тарбиясига муҳим эътибор қаратилмоқда. Уларнинг билим олиб хунар ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб номлангани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Эртанги бугунги ёшларимиз эшонлиқ фаровон ҳаётимизнинг асл эгаларидир. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар томонлама солиҳ, комил инсонлар бўлиб етишишларига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак. Айниқса бу ишда маҳалла, оила, ва мактаб концепциясига риоя қилиб, иш олиб боришимиз, ёшларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказишларини назорат остига олишимиз шарт. Ёшларнинг турли хил диний оқимларга кириб кетмасликлари учун ҳар бир кунини тўғри ташкил қила олишимиз лозимдир. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, биз дунё ҳамжамиятида кечагина

пайдо бўлиб қолган халқ эмасмиз. Бизнинг илди-ларимиз дунё тамаддунида ўз айтар сўзига эга, алоҳида ҳурмат ва эътиборга молик бўлган зотларга бориб тақаллади. Шундай экан, бугунги хур ва озоод диёрда эркин ўқи билим олаётган ёш авлод ҳам ўзлигига мос комил инсонлар бўлиб камолга етмоғи лозим. Жамиятимизни янада тараққий эттириш, миллий маънавиятимизни ошириш, ёшлар тарбиясида маънавий муҳитни барқарорлаштириш, маҳаллаларда тарғибот ишларини авж олдириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Туманимиз миқёсида ўтказилаётган бу каби фақат эзгуликка ва яхшиликка хизмат қиладиган анжуманларимиз замирида эртанги куннинг порлоқ ва нурафшон келажаги этади...

Ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Улар ўз сўзларида ёшлар тарбияси мамлакат тараққиётини, юрт келажагини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол, оқил, билимли этиб миллий кадрларимизга, анъана ва урф-одатларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш бугунги куннинг асосий вазифасини ташкил этишини таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, ёшларнинг онг ва тафаккурини юксалтириш, уларнинг қалби ва шуурига инсонпарварлик ғоялари, эзгу фазилатларини теран сингдириш, турли хил диний оқимларга кириб кетмаслиги чораларини кўриш мақсадида амалга оширилаётган ишларнинг кўламига ҳам тўхталиб ўтдилар.

Анжуманда мамлакат тараққиётини ёшларнинг ўрни ва маъқеи, улар зиммасидаги масъулиятли вазифалар, маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш борасидаги муаммолар, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, маҳаллаларда олиб борилаётган ишларнинг амалий самаралари, тумандаги мавжуд 58 та маҳаллада ёшлар билан ишлашни тўғри йўлга қўйиш, ёзги дамо олиш таътиллариининг мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаш борасидаги масалаларга ҳам алоҳида урғу берилди.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ КАТТА АКАДЕМИК ТЕАТРИ ЎЗИНИНГ 78-МАВСУМИНИ ЯКУНИГА ЕТКАЗМАҚДА. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ТОШКЕНТДА МАТБЕУТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

САРҲИСОБ НАТИЖАЛАРИ

—Доимий анъанага содиқ қолган ҳолда театр жамоаси ушбу мавсумда ҳам ўз репертуарларининг ранг-баранглиги ва кенг қамровлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилди,—дейди театр директори Бахтиёр Ёқубов.—Қолаверса, мумтоз санъатнинг нодир дурдоналари бўлган машҳур спектакллар қайтадан сахналаштирилди. Улар орасида Т.Жалолов ва Б.Бровциннинг «Тоҳир ва Зухра» операси, М.Ашрафийнинг «Севги тумори» балети янгидан ҳаёт бошлади.

Анжуман чоғида мавсумнинг унутилмас ҳодисаларидан бири бу жаҳонга таникли санъаткор Жақома Пуччини та-валлудининг 150 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбир бўлганлиги таъкидланди. Ушбу анжуманда ўзбекистонлик санъат шайдолари Россия, Италия ва Ўзбекистоннинг машҳур санъаткорлари ижросида опера санъатининг гултожи бўлган «Флориа Тоска», «Баттерфляй хоним» каби ўнлаб операларни тинглаш бахтига муяссар бўлди.

Театр раҳбарининг таъкидича, навбатдаги 79-мавсумда жамоа репертуарларини янада бойитишни режалаштирган. Келгусида театр иқтисодчилари «Кармен», «Корсар», «Уйқудаги гўзал», «Раймонд» каби сахна асарларидан баҳраманд бўлишади.

Бундан ташқари жорий йилнинг октябр ойида Япониянинг «Тойота-сити балет компани» опера ва балет театри билан ҳамкорликда «Урашима Торо» асарини сахналаштириш ишлари тугаланади. Унинг илк намойиши Япония сахналарида уюштирилади.

Бугунги кунда театр репертуаридан 50 дан зиёд опера ва балет спектакллари жой олган бўлиб, яна ўттизга яқини жамоа ижодий режиссани ўрин олган.

«Туркистон-пресс»

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Шифо масканларида

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ, АЙНИҚСА ОНА ВА БОЛА СОғЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, СОғЛОМ АВЛОД ТУғИЛИШИ ВА УНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ЯНАДА ЧУқУРРОҚ ТАТБИҚ ЭТИШГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.


Учтепа туманида жойлашган «Она ва бола» марказини кўпчилик ҳамюртларимиз яхши билишади албатта. Мазкур шифо маскани жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб шаҳар 3-сон болалар клиник шифохонаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Яқинда ушбу маскан фаолияти билан танишар эканмиз, бу ерда беморларга яратилган шарт-шароитлар, шунингдек, «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазибалар бўйича самарали ишлар олиб борилаётганлиги гувоҳ бўлди.

— «Ёшлар йили» Давлат дастурига биноан шифохона ходимларини ўрганиб чиқиш, ёш мутахассислар малякасини оширишга эътибор кучайтирилди,— дейди биз билан суҳбатда 3-сон болалар клиник шифохонаси бош шифоқори ўринбосари Муқаддас Сабаева. — Шунингдек, ходимлар диспансеризация вақтида аниқланган касалликлари бўйича амбулатор ва стационар шароитда соғломлаштирилди. Бўлимлар-

да даволанаётган беморларни, айниқса фертил ёшидаги аёлларни зарур текширувлардан ўтказиб, дори-дармон билан таъминлашни назоратга олинди.

Шифохонада умумий даволаш бўлими мавжуд бўлиб, бу ерда 1 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар даволанадилар. Шунингдек, чала туғилган болаларни парваришлаш бўлими, гематология, аллергология, пульмонология бўлиmlари фаолият кўрсатмоқда. Гўдак болалар бўлимида бир ойликдан 3 ёшгача бўлган бемор болалар шифо топадилар. Булардан ташқари шифохонада асаб тизими шикастланган болалар, оналарни соғломлаштириш бўлимларида ҳам

она ва бола саломатлигига муҳим эътибор қаратилган. Жумладан, фертил ёшидаги аёлларда камқонлик касалликлари даволанади.



Шифо масканида шунингдек, 20 ўринга мўлжалланган кундузги амбулатор даволаш бўлими мавжуд бўлиб, бемор болалар даволанмоқдалар. Айни кунда шифохонада жами 264 беморга самарали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, бу

ерда болаларни эмлаш ишлари ҳам ўз вақтида олиб борилади. Шифоқор аслида дори-дармон эмас, аввало ширин сўзи билан беморларнинг дардига шифо топиши керак. Ушбу ақидага амал қилаётган шифо масканининг ўз касбига меҳр қўйган шифоқор ва ҳамширалари хизматидан беморлар беҳад миннатдорлар.

Ушбу масканда беморларга тўғри ва аниқ ташхис қўйиб, ўзининг хушмуомаласи, меҳр қўри билан самарали даволаётган Матёқуб Эшонқулов, Гулбахор Ҳошимова, Мунира Маҳмудова, Махсума Зияева сингари қўли енгил, сўзи ширин тажрибали ва олий тоифали шифоқорларнинг меҳнатлари тахсинга сазовор бўлмоқда. Яна шуни ҳам таъ-

кидлаш керак, шифохонада ҳимийлар томонидан таъмирлаш ишлари олиб борилиб, ҳар бир бўлимга босқичма-босқич ақфа эшиклари ўрнатилди, хона ва йўлакларга линолеум ётқизилди. Айни кунда да шина ва ёруғ хоналарда тиббиёт ходимлари ва беморлар учун барча шароитлар яратилган.

Халқ соғлиги — юрт бойлиги дейдилар. Аҳолиси соғлом ва бақувват элнинг эртаси буюқдир. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар соғлом авлод туғилиши, унинг жисмонан бақувват ва комил инсон бўлиб вояга етишига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро келажакимиз, эртанимиз юлдузи бўлган ёш авлоднинг саломатлиги нафақат юртимиз, балки ҳар биримиз учун бебаҳо неъматдир.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: шаҳар 3-сон болалар клиник шифохонаси фаолиятдан лавҳалар.
Козим Ўлмасов олган суратлар

Шифоқор маслаҳати

БУГУНГИ КУНДА БАЪЗИЛАРДАН ШУНДАЙ ГАПЛАРНИ ЭШИТИБ ҚОЛАМИЗ: «АЛЛЕРГИЯ БЎЛИБ ҚОЛДИМ, НИМА ЁҚМАЁТГАНИНИ БИЛОЛМАЙМАН. САЛ НАРСАГА ҚИЗИЛ ТОШМАЛАР ТОШИБ КЕТАДИ, НАФАСИМ СИҚАДИ». ДАРҲАҚИҚАТ КАСАЛЛИКЛАР ОРАСИДА АЛЛЕРГИЯ КЎП НОХУШЛИКЛАРНИ КЕЛТИРИ ЧИҚАРАДИ. ХЎШ, АЛЛЕРГИЯ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК, УНИНГ САБАБЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ? УШБУ САВОЛЛАРИМИЗГА БУГУНГИ САҲИФАМИЗДА ШИФОҚОР-АЛЛЕРГОЛОГ ОЙША ТОҲИРИЙ БИЗГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ:

АЛЛЕРГИЯНИНГ ОДИНИ ОЛИНГ

— Аллергия касаллиги қадим замонлардан маълум. Ўзбекистонда аллергик касалликларни ўрганиш ўтган асрнинг 70-йилларидан бошланган. Ҳозирги замон тиббиёт илмида аллергия деб, баъзи бир ёт моддаларга организмнинг жуда сезгир бўлиб қолиши тушунилади.

Аллергик касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари жуда ҳам кўп. Айниқса саноат ривожланган катта шаҳарларда кўп учрамоқда, яъни бунда жойлардаги экологик ўзгаришлар, кўплаб дори-дармонларнинг иштатилиши муҳим роль ўйнайди. Аллергиянинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омиллар сони яна бир қанча, яъни елчи овқатлар (мош, цитрусли мевалар, баглик, от гўшти ва бошқа маҳсулотлар) озиқ-овқат аллергиясини ҳамда уй чанги, ўсимлик гулларининг чанги ва бошқалар эса ўзига хос аллергик касалликларни келтириб чиқаради. Экологик ўзгаришлар натижасидаги ифлосланишлар ҳам аллергик касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Илмий далиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда умумий касалликлар ичида аллергик касалликлар анча ортган. Аллергик касалликларни чакирувчи

омиллар киши танасига юқори нафас йўллари, оғиз ва тери орқали кирди ҳамда аллергик жараёнлар асосида имунологик ўзгаришлар юзага келади. Шу асосда аллергик касалликларни аниқлашда, касалликни чакирувчи омиллар яна синнов тарзида киши танасига юборилади. Шунинг ташқили кераки, аллергик касалликнинг турлари хилма-хил: бронхит астма кенг тарқалган, инфекция-аллергик ва атопик (гайри-табiiий) шаклда учрайди. Атопик шаклдаги аллергиклар— уй чанги, ўсимликлар гулининг чангли, пар ёстиқ ва китоблар чанги нафас йўллари орқали кириб кишида нафас қисилиши, ҳарсиллашлар, бронхлар қисилиши натижасида юзага келади. Юқумли-аллергик шаклдаги астма кўпинча шамоллашдан сўнг кучаяди. Пичан тумови ёки полиноз— дарахт ва ўсимликлар гулларининг чангли— аллергикларнинг киши организмга юқори нафас йўллари орқали кириши оқибатида юзага келади. Касалликнинг кўзгаллиш вақти дарахт ва ўт-ўланларнинг гуллаш пайтига тўғри келади. Беморнинг бурни, кўзида қичиш, аксириш, бурун битиши ва хатто нафас қисилиш ҳолати юзага келади. Шунингдек, ўлкамизда кенг тарқалган ёввойи ўтлар аллерге-

ни— оқ сўхта, яъни лебеда тарқалган.

Бундан ташқари дори аллергиясининг сабабчиси дори-дармонлар. Бундай ҳолатда аллергик жараён тезда анафилактик шок кўринишида ёки секин-асталик билан кетади. Дори аллергиясини асосан антибиотиклар ва сульфаниламид дори-дармонлари, кўпинча баданга қичимали тошмалар, шишлар ва хатто ҳарсиллашлар, ҳароратнинг кўтарилиши кузатилади.

Касбга оид аллергик касалликлар— узоқ муддатда касб-кор аллергенларнинг (нефть маҳсулотлари, бўёқлар, дори-дармонлар, парфюмерия ва пахта чангли) таъсири туфайли юзага келади. Бунда терида экземастик ўзгаришлар, астмаид ҳолатлар юзага келади, хатто ногиронликка ҳам олиб келиши мумкин. Айтиш жоизки, ҳозирги пайтда аллергик касалликлар кўплаб учрамоқда. Лекин ҳамма одамлар бу хасталикка чалинмасликлари мумкин, сабаби беморларда биологик дефект (камчилик) мавжуд бўлиб, шу кишилар биринчи навбатда касалликка чалинадилар. Аллергик касалликларнинг келиб чиқишида ирсият ҳам маълум рол ўйнайди.

Аллергик касалликларнинг белгиларини сезган беморлар ўз вақтида шифоқор-аллергологларга мурожаат қилишлари керак. Ҳозирги пайтда деярли барча вилоят шаҳарларида аллергология хоналари мавжуд. Бу ерда беморлар махсус текширув ва даволаш муолажаларини оладилар. Бу эса ўз навбатида касалликнинг оғир асоратларини олдини олиш ва тезда меҳнат қобилиятини тиклаш имконини беради. Баъзилар аллергик касалликка унчалик эътибор бермайдилар. Агар бу касалликнинг олди олиниб, вақтда даволанмаса, оғир асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис узоқ умр кўришни истасангиз, соғлигингизга эътиборли бўлинг, касалликнинг вақтида олдини олинг.

Гулнора ХАМИДОВА ёзиб олди

ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Гипертония (хафақон) касаллигига чалинмаслик учун биринчи навбатда турмуш шароитини тўғри ташкил этиш лозим.

Кун бўйи, баъзан кечалари зўр бериб ақлий ва жисмоний меҳнат билан шуғулланмаслик, имкони борича толиқмаслик, уйда, йўлда, ишхонада беҳудага асабийлашмаслик, атрофдагилар билан хушмуомалада бўлиш керак. Шошма-шошар, жонсарақ бўлмаслик, меҳнат билан дам олиш тартибига риоя қилиш жоиз.

Беморлар чекиш ва спиртли ичимликларни ичишдан мутлақо воз кечишлари зарур. Кечаси камда 8 соат ухлаши, иложи бўлса кундузи ҳам 1-2 соат ухлаб, дам олиши керак.

Бемор кечаси ухлашдан олдин 1-1,5 соат соф ҳавода сайр қилиши, аммо китоб ўқимаслиги, асабни кўзғовчи, ҳаяжонлантирувчи фильмларни кўрмаслиги лозим.

Кечки овқатни ухлашдан олдин 2,5-3 соат олдин ейиш тавсия этилади. Беморларнинг озиқ-овқатлари турли-туман каллорияли, витаминларга бой бўлиши керак. Семириб кетган беморлар ёғли овқатларни кам истеъмол қилиши зарур.

Гипертония касаллиги оғир ўтса, хусусан буйрак ва юракда асоратлар пайдо бўлса, ош тузи ва суюқлик чеклаб қўйиладиган парҳез буюрилади. Беморга кўпинча ҳўл мевалар, сут ва сут маҳсулотларидан тайёрланган овқатлар, ёғсиз мол гўшти, сузма, сабзи, қовоқ, олча ва бошқалар бериш керак. Истеъмол қилинади-га 1-1,5 литрдан ошмаслиги тавсия этилади.

Ўз ишини яхши ташкил қилган, жисмоний иш ёки бадантарбия билан мунтазам равишда шуғулланувчи ва тўғри овқатланувчи одамлар бу касалликка дучор бўлмасликлари мумкин. Энг муҳими, истеъмол қилинадиган овқатларнинг кувватини сарф қилиб туриш керак. Чунки овқат куввати кам сарфланиб, маълум қисми баданга тўпланиб бориши ҳам қон босими касаллигини келтириб чиқарадиган сабаблардандир. Ушбу касалликка чалинмаслик учун юқорида кўрсатилган қоидаларга амал қилишни унутманг.

Муборак АҲМЕДОВА,
Тошкент шаҳар наркология диспансери шифоқори

ГИЕВАНДЛИКНИНГ ЗАРАРЛИ ОҚИБАТЛАРИ

ГИЕВАНДЛИК, ЯЪНИ НАРКОМАНИЯ ДЕБ ИНСОННИНГ ГИЕВАНД МОДДАГА ЎРГАНИБ ҚОЛИШИГА АЙТИЛАДИ. ГИЕВАНДЛИК — АСР ВАБОСИДИР. АҲОЛИ, АЙНИҚСА ЁШЛАР ОРАСИДА МАЪЛУМ БИР КИШИЛАР ЎЗЛАРИНИНГ ИНТИЗОМСИЗЛИГИ, ҲОЙДАЛИ МЕҲНАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ ИСТАМАСЛИГИ, ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛА ОЛМАСЛИГИ, ОТА-ОНАЛАРНИНГ НАЗОРАТИДАН ЧЕТДА ҚОЛГАНЛИГИ ВА ШУНДАЙ МОДДАЛАРГА ҚИЗИҚАНЛИГИ УЧУН ГИЕВАНД БЎЛИБ ҚОЛМОҚДАЛАР.

Гиеванд моддани биринчи бор «тотиб кўриб» гиеванд бўлиб қолганларнинг 90 фоизи бу қизиқш одамни қандай балоларга дучор қилишини билмайдилар. Баъзилар гиеванд моддани истеъмол қилиш одатини ташлаш осон деб ўйлашади. Бу хато фикр. Чунки гиевандликка одам жуда тез ўрганиб қолади, организмнинг унга эҳтиёжи эса ортиб боради. Бунда организмнинг реактивлиги сусайиб, гиеванд моддага руҳий ва жисмоний жиҳатдан қарамлиқ, мутелик ҳолати юзага келади, яъни одам гиеванд модда қабул қилмасдан туролмайдиган бўлиб қолади. Гиевандликнинг шартли уч босқичи мавжуд бўлиб, булар: биринчиси — ўрганиб бориш, яъни адаптация

(организм реактивлиги ўзгариб, руҳий қарамлиқ) пайдо бўлиб бориши, иккинчиси — жисмоний қарамлиқ пайдо бўлиши, ёки ҳумор тутиб одам жуда қаттиқ қийналганда (синдром бошланганда) у гиеванд модда истеъмол қилишга мажбур бўлиши, эҳтиёж сезавериши, учинчи— бутун организмнинг ҳолдан тойтиши, ушбу модда захарли бўлгани учун бosh миёга таъсир қилиб, кўнгил айнаиши, одамнинг мижози сусайиши юзга келиб, ракка олиб боради, ўпка касалликларига сабаб бўлади, кейинчалик тузганок касаллигига учрайди. Гиеванднинг руҳияти ўзгариб боради, у салга кўзгалувчан, тажовузкор бўлиб қолади, жамиятдаги қонун-қоидаларга хилоф хатти-ҳара-

катлар қилиб, жиноятга қўл уради. Бундай кимсалар сержаҳл, тажонг бўлиб қолади. Кўнглида ваҳима пайдо бўлади. Гўё уни биров таъкиб қилаётгандек хавотирга тушади. Яна баъзи бошқа хил гиеванд модда истеъмол қилинганда юрак-томир ва нафас олиш тизими сусайиб, баданнинг териси кўкариб кетиши, қон аралаш ич кетиши, баданнинг қичиши, хар хил тошмалар тошиши, вужуҳида қалтирок туриб титроқ босиши, кўнгил айнаиши содир бўлади. Бундай одамлар тажовузкор бўлиб қолади, юзи кўкмитир бўлиб, гоҳ қизариб кетади. Худди ўлиб қолаётгандек ваҳимага тушади. Қон босими пасайиб кетади.

Бундай касалликка дучор бўлмаслик учун аввало соғлом турмуш тарзига риоя қилиш керак, баъзи бировларнинг ёлғон гапларига ишонмаслик, бу йўлга ундовчилардан нари юриш, гиевандлик деб аталмиш захри қотилнинг қандай ёмон оқибатларга олиб келишини унутмаслик керак. Айниқса ўсиб келаётган фарзандларимизнинг бу йўлга кириб кетмасликлари учун уларни вақтида назорат қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун спорт билан шуғулланишга жалб этишимиз, гиевандликнинг зарарли оқибатларини тушунтириб боришимиз зарур.

ЎЗ УЙИНИНГ ЎЗИНГ АСРА

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ, МАҲАЛЛА ЖАМҒАРМАСИ, ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА «ЎЗ УЙИНИНГ ЎЗИНГ АСРА» МАВЗУСИДА ТАДБИР ЎТҚАЗИЛДИ.

Маҳалла азалдан халқимизнинг мустаҳкам кўрғони ҳисобланади. Юрт тинчилиги, дастурхонимиз фаровонлигини таъминлаш, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, ободончилик ишларида маҳалланинг ўрни салмоқли. Хусусан, осойишталики таъминлаш, барқарорликни сақлашда ҳуқуқ тартибот идоралари билан бир қаторда маҳалланинг айниқса, маҳалла посбони жамоат тузилмаларининг ҳамкорликдаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла посбони жамоа тузилмаларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузурида маҳалла посбони жамоа тузилмаси ташкил этиш белгиланган.

Айтиш жоизки Тошкент вилоятининг бир минг икки юз саксон иккита маҳаллаларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузурида маҳалла посбони жамоа тузилмаси ташкил этиш белгиланган.

Айтиш жоизки Тошкент вилоятининг бир минг икки юз саксон иккита маҳаллаларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузурида маҳалла посбони жамоа тузилмаси ташкил этиш белгиланган.

«ЁШЛАРНИ ФАОЛЛИККА ЧОРАДИ»

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИҲТИМОЙ ҲАРАКАТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИДА «АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — ЭРКИН ВА ОБОД, ФАВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР» МАВЗУСИДА СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Мазкур тадбир давлат раҳбарининг «Ёшлар йили» давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳамда уларнинг ижросига бағишланди.

Семинарда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси бошланғич ташкилоти етакчилари иштирок этди.

— Айни пайтда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясида уч ярим минг нафар ёшлар ишлайди. Уларнинг ўз қобилиятларини намоён этиши ва ривожлантириши учун барча шароитлар муҳайё, — дейди Ёшлар билан ишлаш бўлими мутахассиси Света Иномова. — Жумладан, яқинда улар ўртасида «Кўноқлар ва зуққолар» танлови ўтказилди. Унда ёшлар фаол иштирок этишди. Улар билан доимо суҳбатлашиш ва фикрлашишга ҳам вақт топамиз. Давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этишимиз. Мақсадимиз ёшларимиз фаолиятини янада ошатириш, уларни ягона мақсад сари бирлаштиришдир.

Бугунги семинар ҳам айтиш мана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан ҳам аҳамиятли. Тадбирда ёшларни фаолиликка қаровчи, уларнинг келажакка бўлган ишончларини мустаҳкамлашга қаратилган маърузалар ўқилди ва фильмлар намойиш этилди. Ушбу фильмлардан бири миссионерлик оқимига тушуниб-тушунамай кириб кетаётган ёшлар ҳақида. Фильм мақсади — ёшларни хушёрликка қорлаш бўлиб, унда ўз ишидан пушаймон ёшлар кўрсатилди.

Семинарда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг Бухоро ва Қарши шаҳридан келган бошланғич ташкилот етакчилари фаол қатнашди.

«Туркистон-пресс»

Фан

ДАСТАБКИ ЖИЛЛАР ЧОП ЭТИЛДИ

БУНДАН ЎН ЙИЛ МУҚАДДАМ ЮРТБОШИМИЗ РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЕТАКЧИ ТАРИХЧИ ОЛИМЛАРИ БИЛАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТҚАЗГАН ЭДИ. УШБУ УЧРАШУВДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ, УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ БОСҚИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАСИ ЎРТАГА ҚЎЙИЛГАН ЭДИ.

Шу мақсадда махсус илмий гуруҳ тузилиб катта раҳбарлик белгиланди. Президентимиз кўрсатмаси асосида Ўзбекистоннинг янги тарихини яратишга киришилди. Ҳозир ушбу нашрнинг дастлабки жилдлари босмадан чиқди. Уларда фақат давлатчилигимиздаги янгиликка эмас, барча соҳадаги ўзгаришлар ҳам ўз ифодасини топди.

ИХТИРО ДЕБ БАҲОЛАНДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ОЛИМЛАРИНИНГ НЕФТ БИЛАН ИФЛОСЛАНГАН СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ИЗЛАНИШЛАРИ ҲАМ ФАНДА ЯНГИЛИК БЎЛДИ.

Ўзбекистон Фанлар академияси микробиология институтига топширилган бу тадқиқотда Давлат патенти олиш ишлари ҳам ниҳоятга етказилди. Зеро, микробиология институти республикада биринчи бўлиб, қишлоқ ҳўжалик ерларига тегишли экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган нефть парчалоқчи бактерия штаммларини аниқлашнинг-илмий намунавий тажрибасини амалда синаб кўрди. Бу изланиш алоҳида тўплам ҳолида босмага тайёрланди.

ОЛИМ ҲАҚИДА КИТОБ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ «БОТАНИКА» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ ОЛИМЛАРИ ДОРИБОР ВОСИТАЛАР ЯРАТИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ ИЗЛАНОҚДАЛАР.

Ийрик тадқиқотчи Қаҳқор Ҳожиматов томонидан ҳосил қилинган препаратлар ҳам қатор хасталикларни даволашда маҳкам бўлиб хизмат қилмоқда. Улар ҳақида ҳикоя қилувчи янги тўплам чоп этилди. Нашр орқали биолог олимнинг илмий фаолияти билан ҳам яқиндан танишиш мумкин.

Ақбар АЛИЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ
МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ ХИКМАТЛАР

Бу дунёда не-не фитнес сурдилар, Нафс учун ҳар қандай йўлга юрдилар, Одоб нима билмай, бир-бирин сўкиб, Маънаб биносига асос қурдилар.

Қачон дилим илму фанга ёр эмас эди, Қинғир-қийшиқ эрмак менга ор эмас эди.

Давлат чиқишолмас ноқаслар билан, Хору хасга тушса, ёндирар оташ.

Дўстликдир иттифоқ бўлиб йиғилиш, Бир-бирдан ажралмай соядек юриш. Бу вафо базмида ундай дўстан кеч, Кейин келиб, олдин кетса мисли тиш.

Бу кун ўзгаришга учради замон, Ҳатто аёлларда мардлик намоян. Шундай кетаверса, бола эмизмоқ Эркак зотига ҳам бўлади осон.

Қорин тўлаликдан келур кекирик, Меъда бўшаганда бир текис нафас.

Баланд-пастрлар кўшилиб қолсалар агар, Паст табиаги голиб келар ҳар сафар. Тоза сув тиндирилмас лойқа сувни ҳеч, Лойқа сув тинириг зумда лойқатар.

Кўпни ўйин кўргазар бу чарх биноси, Алвон-алвон издир чаманороси. Гоҳ ёшлик, йигитлик, гоҳ қарлик... Умар ўтару бордир хўп томошоси.

Баъзилар келишар деб илму хунар, Баъзилар келишар истаб симу зар. Хаёл қасри ичра ҳавас нарвонин, Қай поясидир, шунчалар олишар.

Баъзилар хаёлда толиб жаннат, Бу кун халқ этар эртанги ишрат. Табиатларида тамиз бўлмагач, Бежо хаёлларга асир, беуят.

Ибрат кўзи бирла кўриб зебони, Хунук нуқсон, камол, лафзу маънони, Ғам асир кўриб марду донони, «Мальун» деб кетишди ушбу дунёни.

Бунда тикансиз гул топилмас зинҳор, Ишрат хаёлида чекма кўп озор. Машаққатсиз бўлмас мардум ороми, Бу ганж муҳрида, бил, афъи илон бор.

Бошга ташвиш тушиб қилса бетоқат, Қабр ахлини бориб айла зиёрат. Сенингдек серташвиш эди улар ҳам, Охир тупроқ бўлди, ташвиш не ҳожат.

Халқ ичинда сен золимлик номин олма, Ожизларга зулм кўрсатиб, жонин олма. Очлигиндан ўлганда ҳам зинҳор, зинҳор, Чумолининг оғзидаги донин олма.

Серташвиш бу оламда жаҳд айла такрор, Таъбингда кўполликдан қолмасин осор. Бир-икки тош бўлса ҳам оёқ остида, Тойдирар текис йўлдан, унутма зинҳор.

Бедил, кимнинг ақли нимага қодир, Фақат шунча ибрат олади охир. Ҷофил дили жаҳон ғамидан ҳоли, Уй қоронғи бўлса, кўрга барибир.

Оёқ оstdан чиқиб, бошга кўнар чанг.

Ғилдим кўп имтиҳон, қарз ола кўрма, Берсалар сенга жон, қарз ола кўрма. Қарз адоси маҳол, очдан ўлсанг ўл, Одамлардан бир нон қарз ола кўрма.

Спорт янгиликлари СЎНГИ БОСҚИЧ БОШЛАНАДИ

МАЛАЙЗИЯ ПОЙТАХТИ КУАЛА-ЛУМПУР ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ҚАРОРГОҲИДА 2010 ЙИЛДА ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧГА ҚУРЪА ТАШЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Жаҳон чемпионати саралаш турнирининг учинчи босқичи гуруҳ баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб, кейинги босқичга йўлланма олган Рауф Инилеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси қуръа натижаларига кўра «А» гуруҳида Япония, Австралия, Баҳрайн, Қатар терма жамоаларига қарши голиблик учун кураш олиб борадиган бўлди.

натига саралаш турнирининг тўртинчи босқич мусобақалари жорий йилнинг 6 сентябридан бошланади. Ўз гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган терма жамоалар тўғридан-тўғри жаҳон чемпионати финалида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишади. Учинчи ўринларни кўлга киритган терма жамоалар эса, уй-меҳмон тизимида ўзаро куч синашишади. Голиб чиққан терма жамоа Океания минтақаси вакили билан ўйнайди.

ҲАМЮРТИМИЗ — СОВРИНДОР

ЭРОН ПОЙТАХТИ ТЕҲРОН ШАҲРИДА ВЕЛОСПОРТ БЎЙИЧА УЎШТИРИЛГАН МИЛЛАТЛАР КУБОГИ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИГА МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ.

Қурра заминнинг велоспорт бўйича иқтидорли спортчилари иштирок этган ушбу нуфузли турнирда голиблик учун астойдил кураш олиб борган ҳамюртимиз, кўпгина халқаро турнирлар катнашчиси Темур Муҳамедов маҳоратли спортчи эканлигини исботлаб муваффақиятга эришди ва учинчи ўринни эгаллаб совриндорлар сафидан жой олди.

Энди мамлакатимиз велоспортчилари июль ойида ўтадиган Жаҳон Кубоги мусобақасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

(Ўз мухбиримиз)

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИ ХУЗУРИДАГИ МИСР МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА ТАҲСИЛ ОЛГАН 4-КУРС ТАЛАБАЛАРИНИНГ БИТИРУВ КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбир давомида Миср маданият маркази раҳбарияти томонидан юртимизда 4 йил мобайнида ўзбек талабаларига араб тилидан



Хамкорлик МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА — БИТИРУВ КЕЧАСИ

сабоқ бериб, эндиликда ўз юртига қайтиб келаётган мисрлик устозлар марказнинг «2008 йилдаги энг намунали ўқитувчи», «Энг намунали ходими» каби номинациялар бўйича тақдирландилар. Қолаверса, талабалараро ўтказилган ҳаттотлик, шеърят, ҳикоя ёзиш йўналишлари бўйича танлов голиблари ҳамда энг алоҳи битирувчи талабаларга ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди. Тадбирда шу-

нингдек, талабаларнинг ота-оналари, элчихона ва дипломатик корпус вакиллари ҳам иштирок этиб, битирувчиларнинг қувончларига шерик бўлдилар. Тадбирнинг бадиий қисмида санъат усталарининг чиқиши эса йиғилганларни бирдек шод этди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: битирув кечасидан лавҳалар. Нуъмон Муҳаммадҷонов олган суратлар

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати

ШИФОКОР ТАВСИЯСИ ВА МАСЛАҲАТЛАРИГА АСОСЛАНИНГ

Бир қарашда хаёлийдек туюлган нарса — яъни таблеткалар ёрдамида ақли пешлаш мумкинлиги ҳақиқатга айланди...

Йод моддаси ақллилик даражасига таъсир этиши аллақачонлардан маълум. Организмда йоднинг ўта етишмаслиги — йод танқислиги ақли заифлигининг энг оғир шаклига олиб бориши ҳам бугун кўпчиликини ажаблантирмайди. Кўпинча одамлар орасида бундайлар ҳақида тентак, аҳмоқ иборалари ишлатилади.

Таажубки, буни ўз вақтида ҳатто Наполеон ҳам билган экан. У бўқоғи бор — яъни ўткир йод танқислиги кўриниб турган йигитларни ўз армиясига хизматга олмас экан. Бундан ҳам таажубланарлиси шундаки, олимлар унинг ҳақиқини орадан қарийб икки аср ўтгандан кейин эндигина исботлашди.

Юқоридаги ҳақиқат Россиянинг Ярославль шаҳри эндокринологлари нуфузли гимназиялардан бирида ўқийтган ўсирилари синчиклаб текшириш давомида ҳам ўз исботини топди.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шунки, бўқоғи бўлмаган тақдирда ҳам муайян миқдорда йод танқислиги бўлган одам ўз хоҳиши ва устозлари ғайрат-интилишларига қарамай, ўртача ўқувчилар сафидан чиқиб кета олмайдди. Бинобарин, йод танқислиги ўртамеъналикни келтириб чиқараркан.

Шунинг учун ҳам мамлакат тиббиёт Фанлари академияси олимлари йод танқислиги муаммосини бартараф этишга жуда катта эътибор беришарди. Кузатишларда «Йод-актив» таблеткаларини ичган болалар хамманинг кўз ўнгига ўзгарганлиги маълум бўлган. Бундай болалар ўйлаб мушоҳада юри-тадиган, топқирроқ бўла бориб, яхшироқ ўқийдиган бўлиб, яъни ва аълочи ўқувчилар сафига ўта бошлаганлар.

Албатта, бу ўзгаришлар тўсатдан ёки бирдангина юз бермайди. Болалар мунтазам равишда «Йод-актив»ни истеъмол қилиб боришасиз, ижобий томонга ўзгаришлар албатта рўй беради.

Овқатларининг асосини йодга бой денгиз маҳсулотлари ташкил этадиган Японияда қалқонсимон без муаммоси деярли учрамайди. Айнан шунинг учун ҳам японлар жуда меҳнатқаш, ақли ва чидамли бўлишади. АҚШ ва Фарбий Европада муаммонинг моҳиятини яхши тушуниб, бошқа йўлни танлашади. Яъни у ерларда инсон соғлигига катта зарар келтирадиган йод танқислигига қарши мунтазам равишда йодли таблеткаларни қабул қилишдан хижолат тортишмайди.

Бизда ҳам йод танқислиги муаммоси мавжуд, албатта. Лекин йод етишмас экан деб, унга пала-партиш муносабатда бўлиш мумкин эмас. Ортиқча йод қалқонсимон безни зўриқтириб қўйиши ҳам жуда хавфли. Шунинг учун йод истеъмолда меъёрга қаттиқ риоя этиш керак бўлади.

Мураккаблиқларга, зиддиятларга тўла кунлар бошланади. Бир томондан оила лаззати, фарзанд қувончи кўнглига қанчалик шодлик улашиб турган бўлмасин, иккинчи бир томондан алоҳида бошлана масаласи Шаҳбозга тинчлик бермас, ўтирса ҳам, турса ҳам тезроқ ижара уйда яшаш балосидан қутулиш чораларини ахтарарди.

Аммо сабр қосасининг синикларини териб юрган кунларнинг бирида Маринанинг дийдиёси бошланди-ю, юрак-барги баттар хун бўлди.

— Ҳаммаси жонга тегди, — деди Марина ўғлини бир амаллаб юпатаркан, — ижарама-ижара кўчиб юриш, сенинг жонига тегмаган бўлса, мана, менинг ҳиқилдоғимга келди...

— Нима қил, дейсан! — деди Шаҳбоз чап кўли билан столни қаттиқ муштаб. — Яна нима қилишим керак сенга?!

— Шаҳсий уйимиз бўлсин дейман, қачонгача кўч-кўрнимизни ортоқлаб юрамиз...

У ортиқ гапирарверса, вазият мураккаблашиб кетаверишини билди. Ташқарига чиқиб кетди. Орадан биров фурсат ўтиб қайтиб келганида хотини, ўлидан дарак ҳам йўқ эди. Хонанинг у-бу ерида Абборнинг ўйинчоқлари сочилиб ётарди.

«Яна онасиникига кетиб қолибди, шекилли, — дея хаёл қилди Шаҳбоз. — Бўлмаса бу пайтга қадар уйга қайтарди. Майли, кетаверсин, унганча бюртмаларимни бажариб оламан».

Эртаси кунуи у яна ишга боши билан шўнғиди. Мақсади Маринанинг олдида кимлигини, нималарга қодирлигини кўрсатиб қўйиш эди. Аммо ҳаёт денгизининг пўртана тўлқинлари кишини хаминша ҳам истак-хоҳишларининг қутлуғ масканига олиб боравермайди. Очиқроғи, уйлаган, орзу қилган ниятларимиз сароблигича қолавериши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Зеро, буни — ҳаёт дейдилар.

Биз мазкур ҳаётини ҳақиқатни бежизга таъкидлаётганимиз йўқ. Чунки Шаҳбоз мўмайроқ пул топши илннжида жаҳд этган даврдан бунён тўрт-беш ойлик фурсат ўтган, эри билан тил топишиб кетишдан буткул кўнгли совиган Марина ўзга бир эркакиннинг этагидан тутиб бўлганди. Хар қандай эгри хабар ерда ётмаганидек, Маринанинг қалтис қадам ташлай бошлагани ҳам эрининг қулоғига тегизина етиб борди. Шундоққина кўшини вилоятдаги устачиликни йиғиштириб, пойтахтга қайтган Шаҳбоз учун хотини, ўғлини топиш қийинчилик туғдирмади. Уларни ижара уйдан топди.

— Ўғлимни курсам бўладими? — деди Шаҳбоз Марина билан юзма-юз қолгач.

Хотини унинг ҳали-бери тугамайди-

хон шу ердан ўзатиб қолган ҳолис бир киши уларни ажратиб олмаганида Маринанинг ҳаёти муқаррар хавф остида қолган бўларди.

У жон талвасасида эшикни очиб қираркан, хондон соҳибасига: «Эшикни бекитинг, ҳеч кимни киритманг», деди-ю, диванга етар-етмас хушидан кетди. Ўзига келганида шифохонада эканлигини сезди. Кейинчалик маълум бўлган суд-тиббий экспертизасининг 2224-Х-сонли хулосасида Маринанинг жиддий жароҳат олганлиги тасдиқланиб, шундай далиллар келтирилади: «Бош миёга ёппай жароҳат етказилган. Бош миёга қай-қалишига қаттиқ тўптоқ жисм таъсирини сезилади. Шу билан бир қаторда чап юз томони, бурун юқори учлиги, ўнг кўз юқори қовоғи кесилган...»

бўлиб, мазкур тан жароҳатлари етказилган вақтда ҳаёт учун хавфли бўлгани, шу даражасига кўра оғирлик даражаси бўйича «оғир» тан жароҳати деб топилди.

Одил судлов ушбу жиний иш билан боғлиқ барча тафсилотларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, ҳукми эълон қилди. Унга кўра судланувчи Шаҳбоз Ботиров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25, 97-моддаси 1-қисми «ж» банди билан айбдор деб топилди, 16 йилга озодликдан маҳрум этилди. Жазони умумий тартибли колонияларда ўтати белгилаб қўйилди.

...Машхур қомусий олим, ориф зот Маҳмуд аз-Замаҳшарий шундай ёзди: «Эр-хотин ўртасидаги муносабатлар кема даргасининг саъй-ҳаракатида ўхшайди. Агар дарга тажрибали, кўзлари ўткир, манзил-мақонни пухта эгаллаган бўлса, довул қутурган маҳалда ҳам кемани омон сақлай олади. Билвакс, ўзидан неча баробар катта кемани баҳри муҳит қаърига гарқ этиши мумкин».

Хар доимидек галдаги хулосаларни ўзингизга қолдиринг.

Саодат МИРСАГАТОВА, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси, Хидирали ПАНЖИЕВ, журналист.

Ҳукм ўқилди

ЖАҲЛ ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАДИ

ШАҲБОЗ МАРИНАНИ УЧРАТГАНДА ЭНДИГИНА ИНСТИТУТНИ ТАМОМЛАГАНДИ. «Кўлимада гулдай ХУНАРИМ БОР, БИТТА ОИЛАНИ БОҚИШГА ҚЎРБИМ ЕТАДИ», — ДЕБ ЎЙЛАДИ У ИЧИДА. УЙИДАГИЛАРНИНГ РУХСАТИСIZ АВВАЛ ШАҲРИЙ, СЎНГРА РАСМИЙ НИКОХДАН ЎТИШДИ. КЎП ЎТМАЙ ЎҒИЛЛАРИ АБРОР ДУНЁГА КЕЛДИ.

ган саволларига йўлақда жавоб бергиси келмади.

— Юр, «дом»нинг ортига ўтайлик, ўша ерда гаплашамиз, — дея совуқгина жавоб қайтарди у асабийлик зўридан оғир-оғир нафас олаётган эрига.

Утишди. Шаҳбоз ҳамон қалтирар, ўзини зўрга қўлга олиб турарди.

— Аброр қани? Нега сизлар бу ерда яшайсизлар?

— Узингни бос! — деди Марина хотиржамликка уриниб. — Ўғлингни курсатаман. Аммо биз энди сен билан кетмаймиз...

— Нега? Нима учун? — Шаҳбоз олдин ҳам бу ҳақда эшитган бўлса-да, Маринанинг оғзидан чиққан гаплар уни тасом эсанқиратиб қўйди.

— Чунки мен бошқа бир инсон билан тақдиримни боғладим. Исми Олим. Агар истасанг таништириб қўйишим ҳам мумкин... — Марина шундай дея ортига бурилди. Аммо юрагида ғазаб чўғи жўшиб турган эрининг қай алфозда уни чалиб йикитгани, ёнида доимо олиб юрадиган гипскартон кесадиган пичоғи билан юзи, бўйни, кўкракларини тила бошлаганини сезмай қолди. Чунки ҳаммаси кўз очиб юмгунча содир бўлганди. Агар ного-

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-сановат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган «ALFA LIZING» масъулияти чекланган жамияти ИНН: 300751704 ҳуқуқий шаклини очик акциядорлик жамиятига ўзгартирилишини маълум қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-606

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2641 нусxada босилади. Қўроғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
«Шерқ» нарийёт-матбос акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6
Топширилган вақти: 14.34